

 SMART BANK	Ro'yxatdan o'tkazildi Ro'yxat raqami: I-5 Sana: "10" феврал 20 13yil Imzo: <u>Муродж</u>
---	---

«Smart bank» акциядорлик жамияти
 Ягона акциядори йиғилишининг
 2023 йил «6 » феврал даги
02/1 - сонли қарорига
 10-илова

**«SMART BANK» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
 БОШҚАРУВИ ВА КУЗАТУВ КЕНГАШИННИГ ЯГОНА АКЦИЯДОРГА
 БЕРАДИГАН ҲИСОБОТЛАРИГА ҚҮЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР
 ТҮҒРИСИДАГИ НИЗОМ**

Тошкент – 2023 йил

Мазкур “Smart bank” акциядорлик жамияти Бошқаруви ва Кузатув кенгашининг Ягона акциядорга берадиган ҳисботлариға қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом” (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа амалдаги қонун хужжатларига ҳамда “Smart bank” акциядорлик жамияти Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Smart bank” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда Банк деб юритилади)нинг юритаётган фаолиятини шаффоғлигини таъминлашда ҳамда Банқда корпоратив бошқарув тизимини ташкил қилишда Банкнинг самарали бошқарувида Ягона акциядорнинг ролини кучайтириш, ошкор этилиши талаб қилинадиган ахборотларни белгиланган тартибда Ягона акциядорга ўз вақтида ва тўлиқ етказилишини таъминлашга қаратилган бўлиб, Банк Бошқаруви ва Кузатув кенгашининг Ягона акциядорга бериладиган ҳисботларда акс этиши лозим бўлган маълумот ва ушбу ҳисботларнинг шаклларини белгилаб беради.

2. Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Банк Бошқаруви раисининг ҳисботи – Банкни ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Банк Кузатув кенгашига мунтазам равишда бериб бориладиган ҳамда ҳар йил якуни бўйича Ягона акциядорга бериладиган ҳисботлар;

Банк Кузатув кенгashi раисининг ҳисботи – Ягона акциядорга йил якуни юзасидан ҳисботлар ҳамда қонунчилик хужжатларида белгиланган ҳолларда маълум бир даврни ўз ичига ҳисботлар.

Ушбу асосий тушунчаларга берилган изоҳлар фақатгина мазкур Низомда мақсадларида фойдаланиш учун қўлланилади.


3. Банк Бошқаруви ва Кузатув кенгашининг Ягона акциядорга берадиган ҳисботлари Банкнинг белгиланган мақсад ва мэрраларига эришишда Ягона акциядорнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимояланишини таъминлашга қаратилган.

2-боб. Банк Бошқаруви раисининг ҳисботига қўйиладиган талаблар

4. Банк Бошқаруви раисининг ҳисботи қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

Банк Ягона акциядори ва Кузатув кенгashi томонидан берилган топшириқлар ижроси;

Банк Бошқаруви йиғилишлари ва уларда кўрилган масалалар;



Банкнинг қисқа муддатли (бир йиллик давр) ва ўрта муддатли (беш йилгача бўлган давр) бизне режа ҳамда узоқ муддатли Банк стратегиясининг ижроси;

Банк Кузатув кенгаши ва Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва/ёки компенсациялар ҳақидаги маълумотлар;

Банкда ички назорат тизими, Банк фаолиятига хос таваккалчиликлар ва уларнинг бошқарилиши юзасидан амалга оширилган вазифалар;

Банк ходимларини малакасини ошириш борасида амалга оширилган ишлар;

Банк Бошқаруви ваколатидаги бошқа масаллар.

5. Банк Бошқаруви раисининг ҳисботидаги келтириладиган рақамлар аввалги йиллар билан қиёланган ҳолда ҳамда бизне режа қўрсаткичларининг бажарилиши абсолют ва нисбий кўринишда акс этилиши лозим.

6. Банк Бошқаруви раисининг ҳисботида бажарилмаган вазифалар ва/ёки қўрсаткичлар баён қилинишида, ушбуларни бажармасликка таъсир қилган омиллар ва сабаблар аниқ равишда қўрсатиб ўтилиши маъкулланади.

3-боб. Банк Кузатув кенгаши раисининг ҳисботига қўйиладиган талаблар

7. Банк Кузатув кенгаши раисининг ҳисботи қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

Банк стратегияси ва устувор йўналишларининг қисқача баёни;

Банк Кузатув кенгаши йиғилишлари ва уларда кўрилган масалалар;

бизне режа қўрсаткичларининг бажарилиш ҳолати;

узоқ муддатли стратегия тўғрисида маълумот;

Ягона акциядор қарорининг кун тартибига масалалрни киритиш бўйича тушган таклифлар;

йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан операциялар;


Банк Бошқаруви аъзоларини тайинлаш, ваколатини муддатидан олдин тугатиш ва муддатини узайтириш;

Банкнинг Ички аудит бошқармаси ва Таваккалчиликларни бошқариш бошқармаси фаолияти ҳақида ахборотлар;

Банк Кузатув кенгаши ваколатидаги бошқа масаллар.

8. Банк Кузатув кенгаши раисининг ҳисботида бажарилмаган вазифалар ва/ёки қўрсаткичлар баён қилинишида, ушбуларни бажармасликка таъсир қилган омиллар ва сабаблар аниқ равишда қўрсатиб ўтилиши маъкулланади.

9. Банк Кузатув кенгаши раисининг ҳисботидаги келтириладиган рақамлар аввалги йиллар билан қиёланган ҳолда ҳамда бизне режа қўрсаткичларининг бажарилиши абсолют ва нисбий кўринишда акс этилиши



лозим.

4-боб. Яқуний қоидалар


10. Банк Бошқаруви ва Кузатув кенгаши томонидан Ягона акциядорга бериладиган ҳисоботларидағи маълумот ва ахборотлар тўғрилиги ва ишончлилиги бўйича ушбу ҳисоботларни тақдим этувчи жавобгар ҳисобланади.

11. Мазкур Низом талабларига риоя қилинмаган масъуллар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

12. Мазкур Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар Корпоратив маслаҳатчи тавсияси асосида Банк Кузатув кенгаши томонидан киритилади ва Ягона акциядор томонидан тасдиқланади.

13. Мазкур Низом билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

14. Ушбу Низомнинг алоҳида бандлари амалдаги қонунчилик хужжатлари ёки Банк Уставига зид бўлса, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ва ушбу бандларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчик хужжатлари нормаларига ва Банк Уставига амал қилинади.



ЮРИДИК ХУЛОСА

(норматив-хуқуқий хужжатни хуқуқий экспертизадан
ўтказиш тўғрисида)

Экспертиза ўтказувчи	Юридик департаменти
Экспертизадан ўтказилган меъёрий хужжат номи	“Smart bank” акциядорлик жамияти Бошкаруви ва Кузатув Кенгашининг Ягона акциядорга берадиган хисоботларига куйладиган талаблар тугрисидаги Низом.
Экспертиза ўтказишида фойдаланилган қонунчилик ва меъёрий хужжатлар	“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунларига, банкнинг Устави ва ички меъёрий хужжатлар.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги
қонунлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, банкнинг
юритаётган фаолиятини шаффоғлигини таъминлашда хамда Банқда
корпоратив бошкарув тизимини ташкил килишда Ягона акциядорнинг
урнини кучайтириш, ошкор этилиши талаб килинадиган ахборотларни
белгиланган тартибда Ягона акциядорга уз вактида ва тулиқ
етказилишини таъминлашга каратилган булиб, банк Бошкаруви ва
Кузатув Кенгашининг Ягона акциядорга берадиган хисоботларда акс
этиши лозим булган хисобот шаклларини белгилаб беради.

Ушбу Низомни ишлаб чиқишида қонунчилик техникаси
қоидаларига риоя қилинган.

Хукукшунос

М.Ғуломжонова